

Бўлажак раҳбарлар парламентда

Қизгин баҳс-мунозаралар, савол-жавобларга бой бўлган тадбир иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.



2

ИНДОНЕЗИЯДА ЗИЛЗИЛА

Қарийб 700 га яқин турар жойлар, ҳукумат бинолари, мактаблар, шифохоналар ва бошқа биноларга жиддий шикаст етган.



3

СЕНГА ТААЛИПНАДИМ БАТАН...

Тақдир тақозосига кўра, Хитойда истиқомат қилаётган миллатдошларимиз ҳам юртимиз истиқболига бефарқ эмаслар...



4



Ўзбекистон
ADOLAT
SOTSIAL-DEMOKRATIK
PARTIYASI

Ижтимоий-сиёсий газета

Inson manfaatlari — oliy qadriyat

adolat_gazeta@mail.ru

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

№ 7
(711)
2009 йил,
20 февраль,
жума

Қишлоқ жойларда яшаётган хотин-қизларнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини оширишда биринчи ва энг муҳим қадам — уларни иш билан таъминлашдир.

Ислом КАРИМОВ



Парламентда

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ — БОШ МАҚСАДИМИЗ

қишлоқларда истиқомат қилаётган хотин-қизларни ўз оиласи ва фарзандлари тарбиясидан узоқлашмаган ҳолда иш билан таъминлашдан бутун жамият манфаатдор

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили муносабати билан "Қишлоқ шароитида аёллар бандлигини таъминлашга қўмаклашиш ва улар учун янги иш ўринларини яратиш — кучли ижтимоий Ҳимоя омили" мавзусида кенгайтирилган давра суҳбати бўлиб ўтди. Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси томонидан

ташкил этилган ушбу тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Хотин-қизлар қўмитаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, "Қамолот" ЁИХ, "Тадбиркор аёл" уюшмаси вакиллари, партия ҳудудий ташкилотларининг Хотин-қизлар Кенгашлари раислари иштирок этди.

Давра суҳбатида сўзга чиққан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, партия фракцияси раҳбари Исмомил Саифназаров истиқлол йилларида Юрбошимиз раҳнамолигида республикада хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларнинг турмуш маданиятини янада юксалтириш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш

борасида кенг миқёсда ишлар амалга оширилганлигини айтиб ўтди. Шунингдек, фракция раҳбари яқинда бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги Президентимиз маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтаркан, 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устивор йўналишлари мамлакат тараққиётини ва аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлашга хизмат қилишини алоҳида таъкидлади.

— Юрбошимиз ўз маърузасида бутун жаҳон мамлакатлари, ҳатто ривожланган давлатлар

иқтисодиётига молиявий-иқтисодий инқироз ўзининг салбий таъсирини ўтказётган бир пайтда республикада 2008 йилда барқарор иқтисодий ўсишга эришилганлигини аниқ мисоллар ёрдамида айтиб ўтдилар, — деди фракция раҳбари Исмомил Саифназаров. — Шу билан бирга, маърузада молиявий инқирознинг мамлакатимиз иқтисодиёти учун қўйилган салбий оқибатларининг олдини олишга қаратилган аниқ ва пухта ўйланган фикр-мулоҳазалар билдирилди, йўл-йўриқ ва кўрсатмалар берилди. Мамлакат тараққиёти, эл-юрт фаровонлигига эри-

шишга ҳисса қўшишдек хайрли мақсадни ўз олдига қўйган Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси бунга қатъий ва тўла қўллаб-қувватлайди. Зеро, жаҳон иқтисодий инқирози пайтида илгари сурилётган ушбу устувор йўналишлар партияимизнинг дастурий мақсад ва вазифаларига мос ва ҳамоҳангдир. Йўналиш иштирақчилари ҳозирги кунда касаначилик соҳаси аҳоли бандлигини таъминлаш ва оила бюджетини даромадларини оширишнинг кўшимча манбаига айланиб бораётганлигини эътироф этдилар. Бунинг билан 2008 йилда касаначилар

томонидан 34 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилганлигининг ўзи тасдиқлаб турибди. Парламент куйи палатаси депутати, "Адолат" СДП Хотин-қизлар Кенгаши раиси Зухра Ботирова хотин-қизларни касаначилик меҳнатига жалб этиш — оилалар моддий таъминотининг муҳим омили эканлигини таъкидлаш асосида, қишлоқ шароитида хотин-қизларни иш билан таъминлаш ва уларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари хусусида сўз юритди:

(Давоми 2-бетда.)

7 кун нафаси

ЭКСПОРТ ҲАЖМИ ОШДИ

Тошкентда сал кам беш йил олдин фаолият бошлаган "EuroStone" Ўзбекистон — Австрия қўшма корхонаси бугунги кунда илгор технологиялар асосида пол, девор, зина ва ошона жиҳозлари учун турли ўлчам ва рангда кўплаб қўллама плиталар — безактошлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Корхонага хомашё сифатида табиий тош агрегатлари ва мрамар бўлаклари асқотмоқда.

Хар куни 1,5 минг квадрат метр қўллама плиталар ишлаб чиқариш қувватига эга қўшма корхона биргина ўтган йилнинг ўзида 877 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлаб, нафақат ички бозор истеъмолчилари, балки, Россия, Беларусь ва Қозғоғистон каби мамлакатлар буюртмаларини ҳам таъминлади.

"SNOVPRINT" ИШГА ТУШДИ

Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманида иш бошлаган маъмур корхона босма нашрлар учун офсет пластиналар ишлаб чиқарувчи жаҳонда йигирма тўртинчи, МДХ мамлакатлари орасида иккинчи, Марказий Осиёда биринчи шу турдаги корхонадир.

Корея Республикасининг "SNOVBOX" SO LTD компанияси таъсисчи бўлган корхона оммавий ахборот воситалари, нашриёт ва полиграфия корхоналари учун офсет пластиналар ишлаб чиқариш ва уларни қайта ишлашга ихтисослашди.

ХОРИЖ ТЕХНОЛОГИЯСИ

"Навоийдонинвест" кичик корхонаси Германиянинг "Бераплан ГМБХ" компанияси билан яқин ҳамкорликда олис Бавариядаги каби энг сифатли "Браво" тамғаси остида пиво ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйди.

Корхона иш бошлаган дастлабки кунларда бу ерда бор-йўғи 10 нафар навоийлик йигит-қиз меҳнат қилган бўлса, ҳозир уларнинг сони 50 нафардан ошди.

ВОДИЛДА ЯНГИ КОЛЛЕЖ

Фарғона туманида фаолият кўрсатётган касб-хунар коллежлари яна биттага кўпайди. Водил қишлоғида ижтимоий-иқтисодий йўналишга ихтисослашган янги коллежда 300 нафардан зиёд ўқувчи 10 га яқин ихтисосликда таълим олади.

Коллеж ўқув, компьютер, лингвистика, физика лабораторияларига эга. Қишқи спорт зали, интернет тизими ва маданий тадбирлар содаи энг замонавий жиҳозлар билан таъминланди.

ХХР Фанлар академиясининг «Россия, Шарқий Европа ва Марказий Осиё бозори» журналида «Ўзбекистон иқтисодий ривожланиш йўлида шахдам одимламоқда» сарлавҳали мақола эълон қилинди.

ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИДА ШАХДАМ ОДИМЛАМОҚДА

Унда, жумладан, Ўзбекистоннинг сиёсий, иқтисодий тараққиёти давлат ва жамият қурилиши стратегияси мамлакатнинг тарихий шаклланиган миллий ва маданий ўзига хослиги ҳамда табиий-иқтисодий, маънавий хомашё ва аҳоли салохиятига таянган ҳолда белгилаб олинган таъкидланади. Қисқа муддат ичида углеводород хомашёсини қазиб олиш ва қайта ишлашга қаратилган аниқ мақсадли дастурлар ишлаб чиқилди ва амалга оширилди. Шунингдек, иқтисодиётга зарур инвестициялар жалб этилиб, улар, жумладан, хорижий капитал ҳисобига янги нефть ва газ конларини қидириб топиш, нефть ва газни қазиб олиш борасидаги лойиҳаларга йўналтирилди. Янги Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи барпо этилди, Фарғона ва Олтиариқ нефтни қайта ишлаш заводлари реконструкция қилиниб, замонавийлаштирилиши натижасида корхоналарнинг барқарор ишлаши таъминланди. Ўтган йиллар давомида мамлакатда ўз имкониятлари борасида ноёб бўлган "Шуртан-

газкиме" мажмуаси барпо этилиб, у нафақат мамлакатда, балки хорижда ҳам улкан талаб мавжуд бўлган суюлтирилган газ, турли русумлардаги полиэтилен ва бошқа турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқармоқда.

Мустақиллик йилларида қурилган ва қайта таъмирланган маъмур корхоналар ҳисобига айти пайтда Ўзбекистонда нефть маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 1990 йилга нисбатан уч баробарга ортди. «Бугун Ўзбекистон йилдан-йилга ўсиб бораётган ички талабни қондирибгина қолмай, экспорт ҳажмини ҳам оширишга муваффақ бўлмоқда», — дейилди мақолада.

Назарда, шунингдек, Асака ва Самарқанд шаҳарларидаги автомобиль заводлари қурилиши ҳисобига мамлакатда мустақиллик йилларида аҳолини автомобиль билан таъминланганлик даражаси олти баробарга ортгани қайд этилади.

(Давоми 3-бетда.)

Муносабат

БУГУНИМИЗ ВА ЭРТАМИЗ

ҚИШЛОҚ ТАРАҚҚИЁТИ ҲАМДА ФАРОВОНЛИГИ БИЛАН БОҒЛИҚ

2009 йилга «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб ном берилиши бежиз эмас. Яхши биламиз, ҳалқимизнинг аксарият қисми қишлоқларда яшайди. Шундай экан, юртимиз янада обод, ҳалқимиз ҳаёти янада фаровон бўлиши қишлоқларимиз тақдир ва келажаги билан боғлиқ, албатта. Бу борада қабул қилинган Дастур "фақат 2009 йилга келиб, қишлоққа энди эътибор берилди" дегани эмас. Мутлақо! Чунки мазкур масала истиқлол бошиданок, Президентимиз ва ҳукуматимизнинг доимий эътиборида бўлиб, қишлоқ ҳўжалигидаги ислохотлар босқичма-босқич давом этиб келмоқда. Президентимиз Ислом Каримовнинг яқинда Вазирлар Маҳкамаси мажли-

сида қилган маърузасида таъкидланганидек: "... бу устувор йўналиш ва уни амалга ошириш дастури нафақат 2009 йил, балки ўрта муҳлатли истиқбол учун белгилаб олинган". Юрбошимизнинг "Ҳосилдорлиги паст бўлган ерларда давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи фермер ҳўжаликларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, "2008-2012 йилларда сугориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш давлат дастури тўғрисида"ги қарорлари ҳамда "Озиқ-овқат экинлари экиладиган майдонларни оптималлаштириш ва уларни етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони

мамлакатимизда қишлоқ аҳолиси фаровонлигини оширишда муҳим аҳамият касб этди. "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури тўғрисида"ги қарор эса, айни ана шу босқичма-босқич олиб борилаётган ислохотлар ва қарорлар фармонлар ижросининг мантйқий давомидир. Дастурда энг муҳим йўналишлардан бири, бу — қишлоқда турмуш даражасини ошириш, қишлоқ аҳоли манфаатларини янада тўлароқ таъминлашга қаратилган ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш ва такомиллаштиришдир. Ушбу мақсадда 2009 йилда мамлакатимиз Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида 3 та қонун қабул қилиниши кўзда тутилмоқда. Чунончи, улар "Фер-

мер ҳўжалиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 5-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги, "Қишлоқ ва сув ҳўжалигида иқтисодий ислохотларнинг чуқурлашиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги, "Сугориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларини тежамкорлик билан ишлатиш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунлардир.

(Давоми 3-бетда.)

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ — БОШ МАҚСАДИМИЗ

(Давоми.
Бошланиши 1-бетда.)

— Кишлоқда истиқомат қилаётган хотин-қизларнинг ўз оиласи, рўзғори ва фарзандларини тарбиясидан узоқлашмаган ҳолда оила даромадини ошириш, кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги саноат-хўжалиқларидан нафат уларнинг оилалари, балки бутун жамият манфаатдор. Бинобарин, кишлоқ жойларида қасаначиликни тараққий эттириш ҳамда аёллар учун ҳуқуқий замин яратилган. Кишлоқ хотин-қизлари бандлигини таъминлашга, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. «Кишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури доирасида жорий йилнинг ўзида мазкур ҳужжатлар янада кенгайтирилиши режалаштирилмоқда. Бу эса кишлоқдаги аёлларни иш билан таъминлаш, қасаначилик меҳнатини кенг жорий этиш, бу борада хотин-қизларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий саводхонлигини оширишга яна ҳам катта хизмат қилади. Шунга қарамайдан, амалдаги қонунлар ва бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларнинг хотин-қизлар ҳуқуқ ва эркинликларига доир бандлари асосида методик қўлланмалар, тавсияномалар ишлаб чиқиш ва уларни айна кишлоқ шароитида меҳнат қилаётган аҳоли ўртасида тарғиб қилиш зарур, деб ўйлабми.

Тадбирда Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Акбаров ва унинг ўринбосари Гулнора Маъруфова ҳам сўзга чиқдилар. Маърузачилар иштирокчилар диққат-эътиборини кишлоқ

шароитида хотин-қизларни иш билан таъминлашнинг аҳамияти, бу жараёнда жойлардаги хотин-қизлар қўмиталари фаолиятига қаратдилар. — Кишлоқ жойларида хотин-қизларнинг меҳнат шaroитларини яхшилаш, уларни тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш мақсадида жойлардаги хотин-қизлар қўмиталари турли нодавлат нотижорат ташкилотлар билан яқин ҳамкорликда иш олиб бормоқда, — деди Гулнора Маъруфова. — Аёлларнинг иш билан бандлиги масаласини ҳал қилиш хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги мавқеини оширишга хизмат қилади.

Маълумотларга кўра, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан ҳамкорликда хотин-қизлар учун яратилган иш ўринлари ўтган йил давомида 305872 таи ташкил этган. Бу 2007 йилга нисбатан 112,7 фоизга ўсганлигини кўрсатади. Шундан кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига — 158870 та, уй меҳнатини ташкил қилиш орқали — 107241 та, ижтимоий ва бозор инфратузилмаларини ривожлантириш ҳисобига — 15173 та янги иш ўринлари яратилган. Шунингдек, бандликка қўмаклашувчи марказлар томонидан вақтинчалик банд бўлмаган ва иш қилмаётган 297885 нафар хотин-қизларнинг 259088 нафари ишга жойлаштирилган.

— Кўрсаткичларни солиштириш, таҳлил этиш, давлат бюджети маблағларининг сарф этилишини инобатга олган ҳолда янги иш ўринлари яратишда меҳнат бозоридида талаб ва тақдир ўртасидаги мувозанатни таъмин-

лашга эътибор қаратиш иш билан таъминлашнинг аҳамияти, бу жараёнда жойлардаги хотин-қизлар қўмиталари фаолиятига қаратдилар. — Кишлоқ жойларида хотин-қизларнинг меҳнат шaroитларини яхшилаш, уларни тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш мақсадида жойлардаги хотин-қизлар қўмиталари турли нодавлат нотижорат ташкилотлар билан яқин ҳамкорликда иш олиб бормоқда, — деди Гулнора Маъруфова. — Аёлларнинг иш билан бандлиги масаласини ҳал қилиш хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги мавқеини оширишга хизмат қилади.

Давра суҳбатида меҳнат бозори, унда ёлғаниб ишлаётган хотин-қизларнинг моддий ва маънавий ҳимоясизлиги, улар ўртасида содир бўлаётган турли ноҳуш ҳолатларнинг олдини олиш борасида ечимини кутиб турган муаммолар ҳусусида ҳам ўзаро фикр алмашилди. Давра суҳбати баҳс-мунозараларга бой бўлди. Иштирокчиларни қизиқтирган саволларга мутасадди ташкилот вакиллари атофлича жавоб бериш билан бирга, фикр-мулоҳазаларини ҳам тингладилар. Ишлаб чиқилган тавсияларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига «Кишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурининг 58-бандига мувофиқ жорий йилнинг иккинчи чораги давомида ишлаб чиқилган «Кишлоқ жойларида ишбилармонлик ва тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарор лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланиш учун тақдим этишга келишиб олинди.

Фарҳод ЭСОНОВ,
«Адолат» мухбири.

СЕМИНАР-ТРЕНИНГ

Асака шаҳар партия Кенгаши ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан ҳамкорликда «Одам савдосига қарши курашиш — барчаннинг вазифаси» мавзусида семинар-тренинг ўтказди. Тадбирда сўзга чиққанлар оғоҳлик давр талаби эканлиги, одам савдоси ва унга қарши курашиш учун ҳар бир фуқаро ўзининг мустақкам эътиқодида эга бўлиши кераклигини алоҳида таъкидлашди.

— Одам савдоси — глобал муаммо, у

ҳаммамиз учун дахлдор, — деди шаҳар партия Кенгаши раиси М.Абдуллаева. — Бу иллат гирдобига тушиб, аянчи ҳолда қолган инсонлар ҳаётига, асло, бефарқ қараб бўлмайди. Биз, партия фаоллари мутасадди ташкилотлар билан биргаликда шахримиздаги ҳар бир маҳаллада, таълим муассасасида бундай тадбирларни тез-тез уюштирсак, фойдадан холи бўлмайди.

Ш.ИЗЗАТИЛЛАЕВ

МУҲОКАМАДА МУҲИМ МАСАЛАЛАР

Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси ҳамда партиянинг Тошкент вилояти Кенгаши билан ҳамкорликда семинар-тренинг ташкил этилди.

Бугунги кунда «Адолат» СДП Тошкент вилояти Кенгаши аъзолари сони 5 минг нафардан ошмоқда, вилоят бўйича бошланғич ташкилотлар сони эса қарийб 300 тага етди. Партия Кенгаши «Маҳалла» жамғармаси билан ҳамкорликда фуқаролар мувожадатларини ўрганиш, уларга ақидан ердан бериш мақсадида жамоат назорати ташкил этилди. Натижада бугунги кунга келиб аҳолини иш билан таъминлаш, уй-жой, мол-мулкка эгалик ҳуқуқларидан фойдала-

ниш бўйича зарур тавсиялар берилиб, айрим муаммоларнинг ҳал этилишига қўмақдош бўлмоқда.

Таъкидланганидек, «Адолат» СДП фаоллари партиянинг ташкилий тузилмасини ривожлантириш, ўз сафларига ижтимоий адолат ва демократик гоялар тамойилларини қўллаб-қувватловчи янги тарафдорларни жалб этиш учун барча шаҳар ва туманлар, кишлоқларда истиқомат қилаётган аҳоли билан янада фаолроқ иш олиб бориш зарур. Зеро, 2009 йилда мамлакатимизда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий халқ депутатлари Кенгашларига сайловлар бўлиб ўтади. Шуниси қувонарлики, партия вакиллари томонидан туман ва шаҳарлардан депутатликка лойиқ номзодлар аниқлаб, маълумотлар тўпланди.

Шунингдек, йилги «Адолат» СДП фаолиятида ёшларнинг тугган ўрни, «Кишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурининг ижроси юзасидан фикр-мулоҳазалар белгиланди.

Туман Кенгашларида

СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРҒИБОТИ

чортоқлик партиядошлар фаолиятининг асосий йўналишига айланган

Инсон азал-азалдан бахтиёрлик учун курашиб, ўз ташвишини енган, андуҳини қувган, дардини унутган. Охир-оқибат орузсига ҳам эришган. Башарти шундоқ бўлса-да, янги қувонч, кўлга киритган ютуқлари сафида муаммолар пайдо бўлаверган. Эътибор этсангиз, олам аҳлининг дастлабки муаммолари ўта жўн эди. Бироқ дунё тараққиётининг бугунги паллаларида унинг глобал ютуқлари қаторида, глобал муаммолари ҳам юзага келди.

— ОИТСни олайлик, — дейди суҳбатдошларимиз, «Адолат» СДПнинг чортоқлик фаоли Мавлуда Аҳмадалиева. — Бу дараж қариндаги ҳозирча тиббиёт охири. Дарддан ўлим топаётган неча минг жонларни кўз олдин-гизга келтирсангиз, қалбингиз ларзага келади. Ҳозир жажон мамлакатларида бу хасталик билан оғирганлар сони 33 миллиондан ошган. Бу бадавдо дараж илк бор аниқланган 1981 йилдан ҳозирга қадар ундан ҳеч қандав тоғлан эмас. Ақинча мазкур эпидемия 25 миллиондан ортиқ кишининг умрига зомин бўлган. Шуниси маълумоти, тиббиёт одамида ичунитет танқислиги вирусини бир неча йўллар орқали юқушини аниқлаган. Булар — жинсий алоқа вақтида, та-нага зиён-захмат етганда, онандан бо-лага — ҳомилдорлик вақтида, туғ-руқ жараёнида, она сутти орқали

юқишидир. ОИТСга чалинганларнинг кўпчилигини гнѐхвандлар, енгил табиатлилар ва бошқа маънавий жи-хатдан ахлоқсиз ишларга берилган кишилар ташкил этади. Таажубки, бу офатни келтириб чиқараётган ҳам, тарқатаётган ҳам сизу биз каби одамлар... Таассуфки, унда-бунда хали ўн гулидан бири ҳам очилмаган ёшлар ҳам аср вабоси домига ту-шиб қолмоқда. Ҳолбуки фарзанд — ўзимиз, жондан суйган ўғил-қизимиз! Ҳаққимиз ва қарзимиз ҳам уларни соғлом тарбиялаб, асраб-авайлаб, воғға етказмоқ.

Кўриб турганингиздек, биз чортоқлик сафдошлар партиямиз да-стури ва гояларига ҳамоҳанг тарзда, энг аввало, ёшлар масаласига эъти-бор қаратганмиз. Туманимиздаги таълим муассасалари билан алоқа-ни кенг йўлга қўйганмиз. Дарвоқе, Мавлуда опани биз Чортоқ шаҳридаги педагогика коллежи-да «Адолат» СДП туман Кенгаши та-шаббуси билан «Соғлом турмуш тар-зи ва унинг талаблари», «Тўғма ноги-ронлик азоблари», «ОИТС гнѐхванд-ликдан сув ичади» сингари мавзулар-да ўтказилган семинар-тренингда уч-ратиб, суҳбатга тортидик. У касби ши-фокор бўлгани учун ҳам тилга олин-ган иллат келтириб чиқарадиган оқибатларни теран ҳис этади. Илимий асослайди, шарҳлайди, аҳолини со-

ғлом турмуш тарзига даъват этади. Аслида Мавлуда опа туман партия Кенгаши қошидаги хотин-қизлар Кен-гашининг етакчиси. Шу босидан ҳам у Чортоқда бу борада олиб борилаёт-ган қатор ишларда фаоллик кўрсат-моқда. Айниқса, оила оstonасида тур-ган ўспиринлар, туғиш ёнидаги аёл-лар ўртасида соғлом турмушга онд мавзуларда қўллаб-давра суҳбатла-ри ўтказиб келяпти.

— Тадбирларимизда иштирок эта-ётганларнинг кўпчилиги ёшлар, улар-нинг аксарияти партия ташкилоти-миз қошидаги «Ёшлар қаноти» Кен-гашининг вакиллари. Уларнинг ўз қарашлари, қатъий фикрлари бор. Хайли мақсадлар сари интилаётган бу йигит-қизлар яхши билишди: тўғ-ма ногиронликка онд касалликлар-нинг тўқсон тўққиз фоизи оиладаги носоғлом тарбия туфайли келиб чиқ-моқда. Гнѐхвандлик ҳам шундай тар-биясизликнинг ҳосиласига айлана-япти. Биз, партиядошлар тадбирлар-да масаланинг айни шу жиҳатларига ёшлар эътиборини қаратмоқдамиз.

Дарҳақиқат, чортоқлик партия фа-оллари бугун ёшлар ўртасида соғ-лом турмуш тарғиботини кенг йўлга қўйишган. Ёш авлод қамолоти йўли-даги бу сай-ҳаракатлар ўз самара-сини беради, албатта.

Сайиджа ОЛИМ,
«Адолат» мухбири.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида



Бўлажак раҳбарлар ПАРЛАМЕНТДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузури-даги Давлат ва жамият қурилиш академияси қошидаги Олий бизнес мактаби тингловчилари-нинг навбатдаги амалий машғулот «Адолат» СДП фракцияси аъзолари иштирокида бўлиб ўтди. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонун-чилик палатаси фаолияти, унинг маҳаллий ҳоким-ият ва вакиллик органлари билан ўзаро муноса-батларининг муҳим ҳусусиятлари» деб номланган ушбу амалий машғулот дарсини куйи палата Спи-кери ўринбосари, «Адолат» СДП фракцияси ра-ҳбари Исмоил Саифназаров олиб борди.

Даставвал, академия тингловчилари парламент куйи палатаси депутатла-ри иш фаолияти, улар учун яратилган шарт-шароитлар билан ақидан танишдилар. Шундан сўнг фракция раҳбари Исмоил Саифназаров амалий машғулот доирасида «Ўз-бекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчи-лик палатасининг тарки-бий тузилиши, мақсад ва вазифалари ҳамда фао-лиятининг ҳуқуқий асо-слар» мавзусида батафсил маълумот берди. Шу билан бирга Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси-нинг парламентдаги ўрни, фракция аъзоларининг мамлакатимизда қонун-чилик базасини такомил-лаштириш ҳамда қонунлар ижроси самарадорлигини ошириш ва назорат қилиш борасидаги иштироки ҳу-сусида сўз юритилди.

— Сиз бўлажак раҳбар ходимларсиз, — деди Ис-

моил Саифназаров. — Кел-гусида иқтисодий-ижтимо-ий ислохотларни муваффа-қиятла амалга оширишда бевосита иштирок этасиз. Қайси бир сиёсий партия аъзоси бўлишингиздан қатъи назар, халқ билан, омма билан бирга бўласиз. Демакки, аҳолининг ҳуқуқий онги ва мадания-тини, сиёсий билим дара-жасини юксалтиришда иш-тирокингиз катта бўлади. Шунинг учун ҳам парла-мент ҳаёти билан ақидан танишиб, тўлиқ маълумот-га эга бўлишингиз муҳим аҳамиятга эга.

Фракция аъзолари Қонунчилик палатаси томо-нидан қабул қилинаётган қонунлар, уларнинг мамла-кат тараққиётидаги ўрни, муҳокамаланилаётган қонун лойиҳаларининг маз-мун-моҳияти тўғрисида мактаб тингловчиларига сўзлаб беришди.

— Айни вақтда «Электр энергетикаси тўғрисида»ги

қонун лойиҳаси иккинчи ўқишга тайёрланмоқда, — деди Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмита-си раиси ўринбосари, фракция аъзоси Абдулла Абдуназаров. — Мазкур қонун лойиҳасининг мақса-ди сифатли электр энер-гиясини истеъмолчиларга ишончли ва тежамли еткази-б берилишини, шунинг-

рига улашишга юридик мулк эгалари билан бир қатор-да, ҳусусий мулк эгалари-га ҳам ҳуқуқ берилиши кўзда тутилган. Қолаверса, қабул қилиниши мўлжалла-наётган ушбу қонунда истеъмолчилар ҳуқуқи ва мажбуриятлари, шунинг-дек, истеъмолчиларни электр энергияси билан таъминлашни тўхтатиш ёки



деқ, соҳага инвестициялар жалб қилинишини таъмин-ловчи муносабатларни тар-тибга солувчи тизимни яра-тишга иборат. Эътибор-лиси, у электр энергетика тармоқларини монополия-дан чиқаришга, электр энергиясини ишлаб чиқа-риш, тарқатиш, сотиш бўйича бошқарув тизимига бозор тамойиллари ва ме-ханизмларини жорий этиш-га қаратилган. Масалан, қонун лойиҳасида электр энергиясини ишлаб чиқа-риш ва электр тармоқла-

чегаралаш тартиблари кенг баён этилган.

Шунингдек, парламент куйи палатаси депутати, фракция аъзоси Собир Тур-сунов тингловчиларга де-путат сўрови институтининг ҳуқуқий асослари ҳусусида гапирди.

— Депутатларга жамоат-чилик ва вакиллик назорати-ни, аналга, оширишда энг таъсирчан воситалар-дан бири — депутат сўро-вини амалга ошириш ҳуқуқи берилган, — деди Собир Турсунов ўз сўзида.

— Мамлакатимиз қонунчи-лигида депутат сўрови ин-ститутининг ҳуқуқий асосла-ри етарлича шакллантирил-ган. «Халқ депутатлари ви-лоят, туман ва шаҳар кен-гаши депутатининг мақоми тўғрисида»ги қонунга асо-сан депутат тегишли ҳудуд-да жойлашган давлат хо-кимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига уларнинг вако-латларига қирадиган маса-лалар юзасидан асослан-ган тушунтириш бериши ёки ўз нуктаи назарини баён қилиш талаби билан сўров юборишга ҳақли. Давлат ҳокимияти ва бош-қаруви органларининг ман-сабдор шахслари эса бун-га сўров олинган кундан эътиборан ўн кундан кечик-тирмай жавоб қайтаришла-ри лозим. Депутат сўро-лари бўйича ахборот те-гишли халқ депутатлари кенгашларининг мажлисида муҳокамаланиши мум-кин.

Тадбир давомида де-путатлар академия тинглов-чиларини қизиқтирган са-воалларга атофлича жавоб беришди. Қизғин баҳс-му-нозаралар, савол-жавоб-ларга бой бўлган тадбир иштирокчиларда катта та-ассурот қолдирди.

Фарҳод ЭРКИНОВ,
«Адолат» мухбири.
Носир ҲАЙДАРОВ
оқна суратлар.

Ташаббус

«ИСТИҚЛОЛ ВА ҚИШЛОҚ ИСТИҚБОЛИ»

Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент вилояти Кенгаши партиянинг Тошкент шаҳар Кенгаши ҳамда вилоят «Маҳалла» хайрия жамғармаси, Фуқаролик жамиятини ўрганиш вилоят минтақавий ахборот-таҳлил маркази ҳамкорлигида жорий йилнинг «Кишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб эълон қилиниши муносабати билан «ИСТИҚЛОЛ ВА ҚИШЛОҚ ИСТИҚБОЛИ» кўрик-танловини ўтказиш ташаббускори бўлди

Қадим-қадимдан кишлоқ-лар одамлар ўтроқ бўлиб яшайдиган макон-жой сифа-тида муҳим аҳамият касб эт-ган. Айниқса, деҳқончилик ривожлана бошлаган даст-лабки даврларда шаклан-ган уруғ бирлашмалари му-айян ҳудудда муҳим яшай бошлаган. Шу боис, айрим кишлоқлар, масалан, Кена-гас, Манғит, Мингли, Най-ман қабилалар уруғ номи билан ҳозиргача сақланиб қол-ган. Кейинчалик эса қўп-гина мамлакатларда қулдор-нинг ерида ишлайдиган ки-шиларни бир жойга ўрна-тиш натижасида янги қиш-лоқлар вужудга келган. Шу билан бирга, ҳунармандчи-лик ва савдо-сотиқнинг ри-вожланиши сабабли ҳам кишлоқлар барпо этилган, кенгайиб борган.

Дастлабки даврларда кишлоқ жамоа бошлиғи, сўнгра сайланадиган жамоа оқсоқоли ёки жамоа йиги-ни томонидан бошқарилган. Манзилгоҳларнинг тақ-қирини, қурилиши тобо-ра ўзгариб борган. Айниқ-са, Темурийлар даврига келиб, Марказий Осиё ҳудудидаги кишлоқларда ободонлаштириш иш-лари алоҳида эътибор бе-рилган. Ариқ ва сўғориш каналлари қазилган, бог-роғлар барпо этилган. Шу тариқа бир қанча қишлоқ-ларни бирлаштирган маҳал-ларлар бошқаруви вужудга келган. Эътиборлиси, хал-қимизнинг ўзига ҳос маъ-навиятининг юксалиш

даври даставвал кишлоқ-ларда шаклланди.

Ҳозирги пайтда мамлакатим-из аҳолисининг аксарияти қисми кишлоқларда истиқомат қилади. Шу боис ҳам қишлоқ инфратузилмасини янада яхшилаш, тиббий ва бошқа хизмат кўрсатиш соҳалари-ни юқори босқичга олиб чи-қиш, уй-жойга бўлган эҳти-ёжни тўла қондириш, янги иш ўринларини барпо қилиш каби масалалар бугунги кун-нинг энг долзарб вазифа-ларидан ҳисобланади. Прези-дентимиз томонидан 2009 йилнинг «Кишлоқ тараққи-ёти ва фаровонлиги йили» деб эълон қилинишининг маз-мун-моҳияти ҳам айни хай-ли мақсадга қаратилган.

Ўртимиз кишлоқларини та-раққий эттириш, қишлоқ аҳолиси фаровонлигини юк-салтириш, қолаверса, махсус Давлат дастури ижросини таъминлашга «Адолат» соци-ал-демократик партияси фа-оллари ҳам муносиб ҳисса қўшиш ниятида сай-ҳаракат бошлади. Яқинда Ўзе-бекистон «Адолат» СДП Тошкент вилояти Кенгаши партиянинг Тошкент шаҳар Кенгаши ҳамда вилоят «Маҳалла» хай-рия жамғармаси, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институ-ти вилоят минтақавий ахбо-рот-таҳлил маркази билан ҳамкорликда «Истиқлол ва қишлоқ истиқболи» кўрик-танловини ўтказишга қарор қилди. Мазкур танловни ўтказишдан кўзда тутилган асосий мақсад пойтахт ви-лоятида «Кишлоқ тарақ-

қиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурида белгиланган вазифа-ларининг бажарилиши билан боғлиқ жараёнда кишлоқ фуқаролар йиги-нлари томонидан амалга оширилажак эътиборга олиш хайри ишларни аниқлаш ва оммалашти-ришдан иборат.

Кўрик-танлов «Энг намуна-ли пахтакорлар кишлоғи», «Энг намунали галларкор кишлоғи», «Энг намунали сабзавоткор ва богдорчилар кишлоғи», «Энг намунали чорвадорлар кишлоғи», «Энг намунали тоғдаги кишлоқ» сингари номинациялар бўйича аниқланади. Танловга тақдим этилган материаллар жорий йилнинг 1 ноябрга қадар ви-лоятнинг жойлардаги «Маҳал-ла» жамғармаси, «Адолат» СДП Кенгашлари ҳамда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институ-ти вилоят минтақавий ахбо-рот-таҳлил маркази билан ҳамкорликда «Истиқлол ва қишлоқ истиқболи» кўрик-танловини ўтказишга қарор қилди. Мазкур танловни ўтказишдан кўзда тутилган асосий мақсад пойтахт ви-лоятида «Кишлоқ тарақ-

қиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурида белгиланган вазифа-ларининг бажарилиши билан боғлиқ жараёнда кишлоқ фуқаролар йиги-нлари томонидан амалга оширилажак эътиборга олиш хайри ишларни аниқлаш ва оммалашти-ришдан иборат. Кўрик-танлов «Энг намуна-ли пахтакорлар кишлоғи», «Энг намунали галларкор кишлоғи», «Энг намунали сабзавоткор ва богдорчилар кишлоғи», «Энг намунали чорвадорлар кишлоғи», «Энг намунали тоғдаги кишлоқ» сингари номинациялар бўйича аниқланади. Танловга тақдим этилган материаллар жорий йилнинг 1 ноябрга қадар ви-лоятнинг жойлардаги «Маҳал-ла» жамғармаси, «Адолат» СДП Кенгашлари ҳамда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институ-ти вилоят минтақавий ахбо-рот-таҳлил маркази билан ҳамкорликда «Истиқлол ва қишлоқ истиқболи» кўрик-танловини ўтказишга қарор қилди. Мазкур танловни ўтказишдан кўзда тутилган асосий мақсад пойтахт ви-лоятида «Кишлоқ тарақ-

қилиниги ўзига ҳос маъ-навиятининг юксалиш

БУГУНИМИЗ ВА ЭРТАМИЗ

КИШЛОҚ ТАРАҚҚИЁТИ ҲАМДА ФАРОВОНЛИГИ БИЛАН БОҒЛИҚ

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда.)

Шунингдек, ушбу қонун лойиҳаларини қабул қилиш билан бирга ўндан зиёд амалдаги қонунларимизга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳам кўзда тутилмоқда.

Дастурда қишлоқ ҳўжалиги учун мўлжалланмаган ерларни бериш тартиби тўғрисидаги Низом ишлаб чиқиш ҳам белгиланган. Айниқса, қишлоқ жойларида уй-жой ва ижтимоий соҳа объектлари қурилишини лойиҳалаш ҳамда қишлоқ жойларининг архитектурасини ташкил этиш тизимини тубдан яхшилаш масаласи долзарб юмушлар қаторига киритилган. Яъни, бевосита ҳар бир қишлоқнинг ўзига хос шарт-шароитларини инобатга олган ҳолда, қишлоқ жойларидаги уй-жой ва ижтимоий соҳа объектлари, маданий-маиший объектлар қурилиши, ҳар бир қишлоқ учун алоҳида намунавий лойиҳалар ишлаб чиқиш кераклиги белгиланган. Зеро, Вазирилар Маҳкамасида бўлган мажлисда давлатимиз раҳбари: "Бу вазифаларни бажариш учун яқинда махсус "Қишлоқ – қурилиш – лойиҳа" лойиҳа тадқиқот институти ташкил этилди. Ушбу муассасанинг тўлақонли фаолият бошлашини тезлаштириш, уни юқори малакали кадрлар билан мустаҳкамлаш ва уларнинг олдиға аниқ ва равшан вазифалар қўйиш керакки, жорий йилнинг ўзидеёқ биз янги архитектура бош планлари ва намунавий лойиҳалар бўйича ишлаш имкониятига эга бўлишимиз керак"лигини таъкидлади.

Дастурда яна бир муҳим жиҳат – қишлоқ жойларида ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфраструктурани янада

ривожлантириш орқали қишлоқлар ҳаёти даражасини юқори сифатга кўтариш йўналиши бўлиб, 2009-2015 йилларда қишлоқларда намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қуриш программасини ишлаб чиқиш ва амалға ошириш вазифаси қўйилди. Бунинг учун қишлоқ жойларидаги қурилишларни молиявий маблағлар билан таъминловчи махсус банк ташкил этиш ва унинг филиалларини барча ҳудудларда очиб назоратда тутиш. Бу йўлда ёш оилаларға, узоқ муддатли ва кам фойзли кредитлар ажратиш кераклиги алоҳида айтиб ўтилди ҳамда ушбу мақсадлар учун 250 миллиард сўм кредит ресурслари ажратилиши белгиланди. Бунинг натижасида қишлоқ жойларидаги 20 мингдан зиёд оилаларнинг уй-жой шароитларини яхшилаш имкони яратилди. Айни кезде қишлоқлардаги сув ва электр энергиясини таъминотини яхшилаш масаласи ҳам кун тартибидан алоҳида ўрин олди.

Уй-жой ва инфраструктура объектларини қуриш ва таъмирлаш учун махсус қурилиш ташкилотларини ташкил этиш орқали 40 мингдан зиёд фуқаро иш билан таъминланиши кўзда тутилди. Биргина 2009 йилнинг ўзидеёқ 1914 километр узунликда қишлоқ йўлларини таъмирлаш режалаштирилди, 45 миллиард сўм маблағ ажратилаётганининг ўзиёқ қишлоқлар ободлиги ва фаровонлигига хизмат қилувчи омиллардир.

Дастурда қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш масаласига жуда катта эътибор қаратилмоқда. Шу йилнинг ноябрга қадар 1836 километр масофада янги водопровод тармоқларини тортиш, 304 та қишлоқда мажху сув тармоқларини таъмирлаш белгиланган. Бу тадбирларға 56

миллиард 805 миллион сўм маблағ ажратилиб, 360 минг нафар кишининг тоза ичимлик суви билан таъминланиши режалаштирилди. Масалан, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятига ушбу мақсадлар учун 7,5 миллион АҚШ доллари миқдорида халқаро молия институтларининг кредитларини жалб этиш белгиланмоқда. Бу 420 мингдан зиёд аҳоли тоза ичимлик сувидан баҳраманд бўлади, дегани. Шунингдек, Қашқадарё, Навоий вилоятларига ҳам 10 миллион 800 минг АҚШ доллари ҳажмида чет эл инвестициясини қиритиш орқали 110 минг нафар аҳоли тоза ичимлик суви билан таъминланиши белгиланган. Биргина Сурхондарё вилоятида сув таъминоти объектларини таъмирлаш учун давлат бюджетидан 625 миллион сўм маблағ ажратилмоқда.

Дастурда қишлоқ жойларида сервис ва хизмат кўрсатиш соҳаларини янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, жойларда 140 мингта янги ишчи ўринлари яратилиши белгиланди.

Фермер, деҳқон, шахсий томорқа ҳўжаликларида чорвачиликни ривожлантириш, мақсадига банк кредитларини ҳисобидан 7 минг бош зотдор қорамол олиб келиш, 98 та зооветеринария пунктини ташкил этиш, ҳар бир туманда 2 тадан паррандачилик фермалари вужудға келтириш, озуқа экинлари экиладиган майдонлар сатҳини кенгайтириш чоралари белгиланган. Айни чоғда ер ва tupроқ унумдорлигини ошириш билан боғлиқ масалаларға катта эътибор қаратилган. Махсус техника ва механизмлар сотиб олиш, коллектор-дренаж тизимларини таъмирлаш, янгида қуриш, ирригация тизимларини тартибға келти-

риш, насос станциялари ва скважиналар бунёд этиш учун 195 миллиард сўм маблағ ажратилиш кўзда тутилмоқда. Республикада 3710 гектар майдонда томчилатиб суғориш усули жорий этилади. Шу мақсадға 18 миллиард 550 миллион сўм йўналтирилди. Сув ҳўжалиги тизимининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун 142,41 миллион доллар миқдорида чет эл инвестициялари киритилиши мўлжалланмоқда.

Қишлоққа саноатни, хизмат ва сервис шохобчаларини олиб кириш, илҳам ва замонавий техника ҳамда технологиялар билан жиҳозланган қайта ишлаш корхоналарини барпо этиш тадбирлари – аҳолини, биринчи қалда, ёшларни кўпроқ иш билан таъминлаш имконини беради. Ушбу мақсадда дастурда 202 миллиард сўм маблағ ажратилиши белгиланган, бунинг натижасида 100 минглаб янги иш ўринлари яратилади. Бу – Юртбошимиз маърузасида айтилган "Қишлоқ жойларидеги мавжуд инфратузилма яна бир бор танқидий баҳолаб, уни кенгайтириш бўйича қўшимча маблағ ва имкониятлар топиш зарур. Бу қишлоқларда аҳолини, айниқса, ёшларнинг бандлигини оширишнинг муҳим омилларидан бири эканини унутмаслигимиз даркор" – деган гапларига тўла мос келади.

Дастурда яна бир муҳим йўналиш – биз учун энг катта бойлик – инсон саломатлигини асраш, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, таълим-тарбия тизимининг моддий базаси ва сифат даражасини кучайтириш масалалари алоҳида вазифа қилиб қўйилган. Хусусан, қишлоқ врачлик пунктлари, қишлоқдаги шифоналар, туғруқхоналар кенг жаҳҳада таъмирланиб, улар

тегишли тиббий ва лаборатория анжонлари билан жиҳозланади, автотранспорт воситалари билан таъминланади. "Муруват" уйлари, уруш ва меҳнат фахрийлари санаторийлари моддий-техника базаси мустаҳкамланади. 5 мингта яқин гонимлар протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техника воситалари ўз эгаларига етказиб берилади.

Қишлоқ мактаблари ва коллежлари моддий-техника базасини янада ривожлантириш, таълим даражаси ва сифатини ошириш масаласига алоҳида эътибор берилади. 2009 йил давомида 6 та академик лицей ва 164 та касб-ҳўнар коллежи фойдаланишға топширилиши, улар учун 430 миллиард 700 миллион сўм маблағ ажратилиши белгиланди.

Хуллас, дастурда қишлоқ ҳаёти билан боғлиқ бирор соҳа четда қолгани йўқ. Барча соҳа кенг, комплекс қамровда бўлиб, қилинади ишлар ва вазифалар аниқ белгиланган. Ажратилаётган маблағлар миқдори ҳам салмоқли ва залворли.

Дастурдан келиб чиққан ҳолда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциямиз ва партиямиз Сийёсий Кенгаши раҳбарияти олдида масъулиятли вазифалар турганлиги ҳам, табиий. Жумладан, белгиланган ана шу иш режалари бажарилишини ҳар бир партия аъзосининг фаол ҳаракатини таъминлашимиз, жойларда сайловчилар билан учрашганда ва оммавий ахборот воситалари орқали чиқишлар қилганда дастур мазмун-моҳияти ҳамда белгиланган вазифалар ижроси аҳамиятини кенг тарғибот-таъшиқот қилишимиз зарур бўлади. Қолаверса, жойлардаги депутатлик гуруҳларимиз билан ҳамкорликда амалға оширилаётган ишлар ижросини назорат қилиб боришга, қўзғалган мақсадға эришилишға улкан ҳисса қўшади.

Мамат АСҚАРОВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси
аъзоси.

ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИДА ШАҲДАМ ОДИМЛАМОҚДА

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда.)

Шу билан бирга, галла мустақиллигини таъминлаш каби ниҳоятда муҳим масала белгиланди ва муваффақиятли тарзда ҳал этилди. Бунга, аввало, қишлоқ ҳўжалигини тубдан ислоҳ қилиш, пахта якка-ҳокимлигидан воз кечиш орқали эришилди. Мақолада таъкидлангани, бугунги кунда Ўзбекистон ўзини галла билан тўлиқ таъминлаб қолмай, МДҲ мамлакатлари, Афғонистон, Эрон ва бошқа давлатларға ун ва галла маҳсулотларини экспорт ҳам қилмоқда. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, галла мустақиллигига эришиш мамлакат аҳолисини ун ва нон билан тўла таъминлаш билан бирга, аҳолини сут, гўшт ва гўшт маҳсулотлари билан маҳаллий корхоналарда етиштирилган маҳсулотлар ҳисобига барқарор тарзда таъминланиши масаласини ҳал этишға хизмат қилди.

— Муҳим шукки, — дейилади мақолада, — иқтисодийдаги чуқур тузилмавий ислохотлар саноат тармоқларининг жадал суръатдаги ўсиши, маҳаллий хом ашёни қайта ишлаш ва тайёр, рақобатбардош маҳсулотларини ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш соҳасининг жадал ривожини таъминлаш асосида амалға оширилмоқда.

Наврда, шунингдек, Ўзбекистонда тез суръатдаги модернизация ҳамда юқори технологиялар асосида ишловчи мавжуд корхоналарни техник жиҳатдан қайта қуrolлантириш, автомобилсозлик, газ ва кимё, электротехника, информатика ва телекоммуникация, текстиль, озиқ-овқат, фармацевтика ва бошқа соҳаларда янги корхоналарни ташкил этиш йўлида фаол инвестицион сийёсатини амалға оширишға устувор эътибор қаратилаётгани таъкидланади. Мамлакатда маҳаллий ва хорижий инвесторлар учун муайн ва кўп жиҳатдан беҳисс сармоявий муҳит яратилган. Бунинг натижасида Ўзбекистонға мустақиллик йилларида ҳажми 100 миллиард доллардан ошувчи инвестициялар жалб этилди.

— Истиқлол даврида қишлоқ ҳўжалиги тубдан ўзгарди, — дея қайд этилади мақолада. — Ўзбекистонда хусусий фермер ҳўжаликлари ташкил этилиб, улар қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасининг асосига, унинг барқарор ва самарали фаолият юритишини таъминловчи ўзига хос локомотивиға айланди. Бозор инфратузилмаси деярли қайтадан ташкил этилиб, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришини ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш сифат жиҳатдан янги-янги тамойиллар асосида барпо этилди.

Бугунги кунда иқтисодийнинг нодавлат секторида ялли ички маҳсулотнинг 76 фоиздан зиёди шакллантирилди, саноат маҳсулотларининг қарийб 80 фоизи ишлаб чиқарилади, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва чакана савдо айланмаси тўлалигича ана шу нодавлат сектор ҳиссасига тўғри келади. Корхоналарнинг 90 фоиздан зиёди хусусий ва корпоратив мулк кўринишида бўлиб, уларда иш билан банд аҳолининг

77 фоизи меҳнат қилмоқда. Мақолада бугунги кунда ЯИМдаги улуши 45 фоизни ташкил қилаётган кичик ва хусусий бизнес мамлакат иқтисодиётида ҳал қилувчи ўринни эгаллаб қолмай, бозорни зарур маҳсулот ва хизматлар билан тўлдирши, аҳоли фаровонлиги ва даромади ўсишининг асосий манбаига, бандлик муаммосини ҳал этишининг асосий омилға айлангани таъкидланади.

— Мамлакат тараққиёти учун ўта муҳим бўлган транспорт коммуникация тизимларини ривожлантиришға улкан эътибор қаратилмоқда, — дейилади мақолада. — Сўнгги йилларда барпо этилган узунлиги 633 километр бўлган Навоий-Нукус ҳамда узунлиги 223 километри Тошғуз-Бойсун-Қумқўрган темир йўл магистраллари, мамлакатнинг барча воҳаларини ягона транспорт тармоғига боғлаган, ҳудуддаги бой маъданли хом ашё ва табиий ресурсларни ўзлаштиришға имконият яратган Қамчиқ довини орқали ўтувчи замонавий автомобиль йўлининг барпо этилиши ниҳоятда муҳим аҳамият касб этди.

Таъкидлангани, кейинги йилларда Ўзбекистон иқтисодиёти барқарор суръатда ўсётгани мамлакатда амалға оширилган кенг кўламли ва туб ислохотлар натижасидир. Охириги йилларда ЯИМ ҳажми йилига 7 фоиздан ошаётгани маъкур фикрнинг яққол далили бўла олади.

Ўзбекистонда барқарор иқтисодий тараққиётға фақат экстенсив ўсиш ёки бир қатор мамлакатларда кузатилаётганидек, нефть ва газ каби жаҳон бозорида юқори баҳоланадиган углеводород хом ашёсининг тинмай қазиб олиниши ҳисобига эмас, балки бозор ислохотларининг тўғри йўналтирилганлиги, иқтисодиётни тубдан қайта янгилаш, янги соҳалар ва корхоналарни ташкил этиш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш, рақобатбардош, экспортға йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига эришилаётгани алоҳида таъкидланади.


Мақола якунида Ўзбекистонда иқтисодиётнинг барқарор суръатда ўсиши барча соҳа ва тармоқларда чуқур ўйланган иқтисодий ислохотларни амалға оширишға асосланганлиги қайд этилади. Ислохотларни амалға оширишнинг ҳар бир босқичида устувор вазифаларни белгилан олишға алоҳида эътибор қаратилиб, уларни ҳал этиш учун зарур бўлган молиявий, моддий захиралар ва аҳолининг меҳнат қилишға бўлган қобилияти ва салоҳияти сафарбар этилади. Ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналиши иқтисодиётни янада либераллаштириш, ҳўжалик юритувчи субъектларнинг эркинлиги ва иқтисодий мустақиллигини ошириш, кўп тармоқли бозор инфратузилмасини шакллантириш, давлатнинг назорат ва бошқарув функцияларини тубдан қисқартириш ҳамда корхоналарнинг ҳўжалик фаолиятиға аралашини чеклаш, тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиши йўлидаги тўсиқларни бартараф этишдан иборат.

«Жаҳон» АА,
Пекин.



Пойтахтимизнинг Со- бир Раҳимов тумани «Ўзғарбўши» маҳалласида яшовчи Саматулла Ҳикматуллаевлар оиласини кўнчилик хўнарамандлар оиласи сифатида яхши билади. Сабаби, бу оила қарийб 50 йилдан бунёд этилган билан шугулланиб келади.

Айни пайтда Саматулла Ҳикматуллаев фарзандлари билан оёқ-қийим ва замонавий кийим-бош-тикиб, оила тебратмоқда. Ушнинг айтишича, бугун улар ишлаб чиқа-



раётган маҳсулотлар хориждан келган меҳмонларни ҳам бефарқ қолдирмапти.

Суратда: С.Ҳикматуллаев фарзандлари билан иш устида. Носир ҲАЙДАРОВ олган сурат.

МУАММОЛАР БАРТАРАФ ЭТИЛДИ

Пойтахт вилоятининг Тошкент туманида бўлган киши аҳоли фаровонлигини таъминлашға қаратилган бир қатор амалий ишлар қилинаётганининг гувоҳи бўлади. Хусусан, бу ерда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашға катта эътибор қаратилмоқда.

Яқинда, «Келес» қишлоқ фуқаролар йи-

гинидаги аҳоли яшаш пунктларига 6,066 километрни сув қувурлари ётқизилди. Бу ишлар учун давлат бюджетидан 150 миллион сўм маблағ сарфланди.

Ҳойилар маблағлари ҳисобига эса Сирғали, Ўзбекистон, Саноат қишлоқларида бу борадаги муаммолар бартараф этилди. Туман «Сувоқова» ташкилоти раҳбари Зокиржон

Тошннёзовнинг таъкидлашича, эндиликда туман бўйича аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашда муаммо бўлмади. Бунинг учун 2 та насос, 4 та сув ёмқоти ўрнатилиб, барча сув иншоотлари тўлиқ таъмирланган. «Гиштқўриқ» маҳалласига эса 70,8 миллион сўмлик 5,276 километрли труба тортилган.

Бектемир ЭРТАШЕВ.

Мурожаатлар «Адолат» эътиборида

ВАЪДАЛАРНИНГ ОХИРИ БОРМИ?

ёхуд бир фермернинг адолат истаб сарсон-саргардон бўлаётгани хусусида

Бир неча йиллардан бери Сурхондарёнинг Шўрчи туманидаги «Ақбар» фермер ҳўжалиги раҳбариман. Нолимайман, фермерлик ҳаракатиға ҳукуматимиз катта эътибор қаратаётганлиги туфайли яшаш шароитимиз кундан кунға яхшиланиб борапти, имкониятларимиз ҳам кенгаймоқда. Бироқ, баъзи мутасаддиларнинг масалаға панжа ортидан қараётганлиги муаммоларни келтириб чиқармоқда. Мисол учун менға қарашли 1,64-лойиҳа учун қурилган дала шийпони ва пахта қуриладиган хирмон жойи пинхона тарзда А.Бўроновға ағрасаноат биржаси орқали сотиб юборилган. Ваҳоланки, дала шийпони шу ерда ишлайдиган ҳўжалик аъзоларига бошпана вазифасини ўташи керак эди...

Бундан ташқари, 2008 йилда фермер ҳўжалигимға қарашли сут товар ишлаб чиқариш фермаси биноси Сурхондарё қирғоғида жойлашганлиги учун вилоят ҳокимлиги бошқа ерға кўчиришни белгиланди. Ва шу билан бирга менға 1,4 гектар ер майдони ажратиб беришни Ер ресурслари ва давлат кадастр бошқармаси ҳамда туман ҳокими зиммасига юклатилди. Бироқ бу қарор фақат қоғозда қолиб кетди. Ердам беришни сўраб бормаман ташкилот қолмади, ҳисоб. Барчаси ваъда беришдан нариға ўтмаляпти. Ҳозирда 30 бош қорамол, 50 бош қўй-эчки ва 1 бош отни ўзим яшаб турган уйда сақлаб келаяпман. Жойни қўй турайлик, уларға ем-хашак етказиб беришнинг ўзи бўлмаяпти. Ахир, ҳукуматимиз қишлоқ жойларда чорва молларини кўпайтириш ва бу орқали янги иш ўринлари яратиш, бозорда гўшт ва сут маҳсулотларини арзонлаштиришға катта эътибор қаратаётган бир пайтда бундай ҳолатға қандай баҳо бериш мумкин?

Туман ҳокимлигига ёзган аризалариниға умуман эътибор қаратилмаганлиги туфайли 2008 йил 28 ноябрда ҳўжалик ишлари бўйича вилоят судиға даъво ариза билан мурожаат қилдим. Бироқ, туман ҳокимлиги ва Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси вакиллари бир неча бор қақирлишға қарамай судға келишмади. Шундан кейин судья М.Алланазаров ишни тўхта-тиб қўйди. Ишни ҳал қилиб беришни сўраб, бир неча бор судға мурожаат қилдим. Лекин, судья М.Алланазаров жавоблар судға келмаси ишни ҳал қила олмаيمان, дея жавоб беришдан нариға ўтмаяпти. Ахир, суд томонлар келмаси ҳам сиртдан қарор чиқариши мумкин-ку! Шу-шу масала мана 3 йилдирки, ҳал бўлмаяпти. Ахир, мен чорва молларини кўпайтирсам, туманимиз аҳолисини арзон, сифатли гўшт ва сут маҳсулотлари билан таъминлашнинг ҳисса қўшаман-ку! Наҳотки, буни мутасаддилар эътиборға олишмасан...

Шайдулло ҚУРБОНОВ,
«Ақбар» фермер ҳўжалиги раҳбари,
Ўзбекистон «Адолат» СДП аъзоси.

ИНДОНЕЗИЯДА ЗИЛЗИЛА

Индонезиянинг Талауд оролида юз берган 7,2 балли зилзила оқибатида қарийб 50 нафар одам ҳалок бўлган.

Жароҳатланганлар сони 100 нафардан ошган. Бундан ташқари, қарийб 700 га яқин турар-жойлар, ҳукумат бинолари, мактаблар, шифоналар ва бошқа биналарға жиддий шикаст етган. Зилзиланинг силкиниши юз берганида қарийб 5 минг аҳоли уй-жойларини тарк этишға мажбур бўлишган.



ОЗОН ҚАВАТИДАГИ ТЕШИКЧАЛАР

Сунъий йўлдош орқали амалға оширилган сўнгги кузатиш натижаларига кўра, Ер юзасини зарарли нурлардан ҳимоя қилувчи атмосфера-нинг Озон қаватида янги тешиклар пайдо бўлганлиги аниқланган.

Бешта НАСА йўлдошидан иборат Темис фаза марказида олиб борилган тадқиқот Озон юзасида иккита янги туйнуқ ҳосил бўлганини кўрсатмоқда. Улардан соғлиқ учун хавфли бўлган нурлар Ер атмосферасига Кувш бўрони орқали ёриб кириши мумкин.

Мутахассисларнинг айтишича, бу каби туйнуқлар вақтинчалик бўлиб, тез орада улар яна ёпилади. Масалан, ўтган йили очилиб қолган ана шундай тешикларнинг бири атғи бир соат давомида ёпилган. Лекин шу қисқа муддат ичида ҳам жонли организмлар учун хавфли бўлган катта миқдордаги зарарли нурлар Ерғача етиб келиши мумкин.



БАНКЛАР ИСЛОҲОТГА МУҲТОЖ

Германия ҳукумати вақтинчалик миллий банк фаолиятиға доир қонун лойиҳасини тасдиқлади. Энди мазкур ҳужжат мамлакат парламентига тақдим этилади.

"The Wall Street Journal" газетасининг ёзишича, қонун лойиҳаси қабул қилинадиган бўлса, Германиядаги ипотека бўйича 1-ўринда турувчи "Hypo Real Estate" банкни миллийлаштириш имконияти пайдо бўлади.

Мутахассислар фикрича, бундай ҳаракат мамлакатда ипотека соҳасида жиддий ўзгаришларға олиб келади. "Hypo Real Estate" глобал молиявий инкўроз шабадалари эса бошланган пайтда мамлакатдаги банкрот ҳолатига келиб қолган биринчи энг йirik ташкилот бўлганлиги.

БЮДЖЕТ ҚИСКАРДИ

Сочидаги «Олимпиада-2014» бюджети 15 фоизга қисқартирилди.

Яна 5 йилдан сўнг Россияда ташкил этилажак нуфузли халқаро мусобақанинг умумий иқтисодий кўрсаткичи 300 миллиард рубль ёки 8,4 миллиард АҚШ долларини ташкил этади. Бу ҳақда ҳукумат вакили Дмитрий Козак маълум қилган.

Ўтган йилнинг кузида Олимпиада ташкилотчилари қаражатларни 30 фоизга қисқартирилишини маълум қилишганди. Айри музтавчиларнинг фикрича, молиявий инкўроз бартараф этиладиган маблағлар янада кўтарилиши мумкин. Баҳром ЭШИМАТОВ тайёрлади.

БОЛАЛАР СПОРТИ

Бугунча Қорақалпоғистонда 76 та болалар спорт иншооти қурилиб, фойдаланишга топширилди. Шунингдек, мактабларда 45 та спорт зали, 25 та спорт майдончаси бунёд этилди.

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида умумтаълим мактаблари қошида 14 спорт зали, Нукус шаҳрида замонавий спорт мажмуаси қуриш, Эллиқалъа туманида бунёд этилаётган барча қулайликларга эга сузиш бассейнини фойдаланишга топшириш мўлжалланмоқда.

Бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси тасарруфидаги спорт иншоотларида 630 нафар малакали мураббий фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 74 нафарини хотин-қизлар ташкил этади.

— Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги 2-кўп тармоқли болалар ва ўсмирлар спорт мактабида кўл түпи, волейбол, кураш, спорт ва бадий гимнастика, баскетбол сингари олимпия спорт турлари билан бирга Шарқ яккакурашлари бўйича ҳам машғулотлар олиб боришмоқда, — дейди қаратэ бўйича болалар мураббийи Ҳамидулла Калимбетов. — Шогирдларим нафақат шаҳар ва мамлакат миқёсидаги, балки халқаро турнирларда ҳам муносиб иштирок этмоқда. Жумладан, ўтган йили иктидорли қаратэчимиз Асия Қутлимуродова Бухарест (Руминия)да ўтказилган Европа очик чемпионатидан совриндор бўлиб қайтди.

Суратда: мураббий Ҳ.Калимбетов Асия Қутлимуродова билан машғулот пайтида.

А.КАНАЗАРОВ (Ў.А.) олган сурат.



Бу ривоятни кўп йиллар бурун Бухоронинг Вобкент туманида бир оқсқолдан эшитган эдим.

Самонийлар даврида, қорахонийлар даврида, Бухоронинг чеккаридаги бир қишлоқда Фазлиддин исмли йигит яшар экан. Ёшлиғида отаси ўтиб кетган, онаси билан торғина ҳовлида турар экан. Онаси кўни-кўшнларнинг кўрпа-тушагини қавиб берад экан, у эҳос устаси экан, у ясаган буюмлар кўлма-кўл бўлиб кетаркан. Бу орада Фазлиддиннинг шухрати бутпарастларнинг қўлига етиб борди. Уша даврларда Бухорода тарсолар, мажусийлар, бутпарастлар, яхудиайлар кўп бўлар экан. Бир кўни бутпарастлардан Фазлиддинга элчи келди.

— Бизга турли хайвонларнинг хайкалчаларини ясаб берсангиз, уша, — деди элчи, — сизни рози қиламиз, ҳақингизни икки қарра ошириб тўлаймиз.

Фазлиддин аввалига чўчиди. "Ҳайридинларнинг санамини ясаганимни эшитса, подшо соғ қўймаса керак".

Элчи устанинг иккиланганини кўриб ялинди:

— Кўркманг, иним, бирова билдирмайдимиз. Ясалган буюмларни кечаси шабистонда сездирмай олиб кетамиз. Йўқ деманг, жон устакан...

— Фазлиддин таваккал қилди. Ахир у болаларга ҳар хил уйинчоқлар ясаб юрибди-ку, биров кўрса, ана шу уйинчоқларнинг бири, дейди қўйди. Бир қарич келадиган бузқоқа нусхасига фалон танга беришмоқчи. Ҳарна рўзгорга кўмак. Йигит ғайрат билан ишга киришди. Ўн-ўн беш кунда ёғочдан анча-мунча хайкалчаю санам ташлаб ташлади.

Гадонинг душмани гадо, деганлари рост экан. Фазлиддинни кўздай ҳамсоёси содди. У ҳам уста, аммо ноинсофрок, ношудрок уста эди. Фазлиддиннинг омади юришиб қолгани унинг уйқусини учирди. Пайт пайлаб юриб, битта бутпарастни кўлга туширди.

ди. Бошига одам тўплади. Масжид имомини олиб келди. Кўплашиб подшо айзона арзнома битдилар.

Тонг саҳар шох сарбозлари Фазлиддиннинг уйига бостириб киришди ва унинг кўлларини боғлиб, саройга ҳайдаб кетдилар.

— Мушриклари шерик тутган сенгисан? — деди подшо унга бошдан-оёқ разм солиб.

— Йўқ, аёло ҳазрат! — деди Фазлиддин кўзига тик боқиб, — алҳамдулиллоҳ, мусулмонман, ҳақ Мустафонинг умматиман.

— Эса, нечун бутпарастларга санам ясаб берсанг? Бу — муслим одам.

— амр қилди подшо.

Дор ёғочини кўз олдиға келтириб, беҳузор бўлиб турган Фазлиддиннинг танасига яна жон киргандек бўлди.

Зиндоннинг патисдек қичкина тўнугидан мовий осмонга термулиб ётар экан, Фазлиддиннинг юраги қон бўлди. Кўзларида халқа-халқа ёш билан муржоат қилди: "Марҳаматингни дариг тутма, парвардигор, сўянганим, ишонганим ўзингсан..."

Йиғлаб-йиғлаб ухлаб қолди. Туш кўрибди. Тепасида бошдан-оёқ оқ либос кийган бир мўйсифид турганимди. У Фазлиддиннинг бошини силди:

— Ғам ема, эй йигит! — деди у, —

чини айтди:

— Мени аёло ҳазрат бирла юзмаюз қилинган. Унга айтар сўзим бор. Улимга маҳмуд этилган қимсаннинг ўтинчи вожиб. Фазлиддин тагин шох ҳузурида тикка бўлди.

— Эшитаман, қўлогим сенда, — деди подшо қовоқ уюб.

Фазлиддин кўнидан онаси ёлган қулчани чиқарди. Уни иккига бўлди.

— Давлатпаноҳ, мана шу нонни татиб кўрсинлар, сўнгра мен дор тагига кетавераман.

Шоҳнинг кўзларидан ўт қакнади.

— Узинг жаҳаннамга кетганинг етмагандай, мени ҳам оғимдан тортомқимсан, алах! Нонингга заҳар қўшилган бўлса-чи?

— Заҳар қўшилмаган, уни онам ёлган, ҳалол нон. Мана, аввал ўзим еб кўрсатайин.

Фазлиддин қулчани бурдалаб ея бошлади. Яримта нонни еб битирди, лекин унга зиён етмади.

— Тишланг, ҳазратим, — деди уста, — биздек маҳмуднинг сўнги илтимосини адо этиш сиз учун ҳам фарз, ҳам қарз.

Подшонинг илоҳи қолмади. У кўрка-писа қулчани тишлади. Аста кавашага киришди. Бир бурда ёғач, подшонинг қўлига юмшадди, сийнасида ловуллаб турган ғазаб ўти сўйиб, ўрнини муруват эгаллади. Подшонинг қўлидаги нонни егиси келар, ҳар лўлмадан кейин дили ёришиб, қўлиги шодлиққа тўлиб бораётгандек эди.

Нихоят, иккинчи мўжиза содир бўлди. Охири бурдани еб битирган, подшонинг жисми жонида Фазлиддинга нисбатан меҳр-шафқат уйғонди. У беҳитиёр тахтдан тушиб, Фазлиддиннинг олдиға келди. Уни қучқалаб, йиғлаб юборди:

— Уаҳжоним, мен гумроҳ акангин кечир. Ахир биз оғанимиз-ку, жоним! Шу пайтагча танайми сенга зулм қилиб келибман. Кечир... Подшо Фазлиддинни туғишган инисидек эъзозлаб, бир умр ёнида олиб қолди.

Она сўтиға қорилган қулча ноннинг қаромати ана шундай намоён бўлган экан.

САДУЛЛА СИЁЕВ

ҚУЛЧАНИНГ ҚАРОМАТИ

га ярашгаймۇ?

— Мен санам эканлигини билмадим, — ёлғонлади Фазлиддин, — болаларга эрмак, деб ўйлабмен. Бир томон — тиркичилик, аёло ҳазратим.

— Сен ишқи илоҳийни унутиб, ғайридинларнинг бутига кўнгли қўйибсан, бунинг учун қалланг кетади, бола! Фазлиддиннинг жони тоновонига тушиб кетди. Уни дорға оссалар, онасининг ахволи не кечади?

— Аёло ҳазрат, менинг кўксимда то абад илоҳий нур порлаб турган, тарсолар, мажусийлар менинг ҳамроҳим эмас. Мен бутларга эмас, ота касбимга кўнгли берганман, Ҳазрат пайғамбаримиз ҳам, қосиблар менинг биродаримдир, деб лутф этишлар. Оси қўлигини авф айланг, давлатпаноҳ...

Фазлиддин беҳитиёр тиз чўкди. Подшо бу уста боланинг ёниқ сўзларидан таъсирланди. Қосиблар ҳуссидиға ҳадисини ўйлаб, чимирилди.

— Зиндонга элтинг, бу нобакорни!

Яратган эгам мушқулнингни осон қилди. Онанг келганда айт, кўрка-писани кўшиб, қулча ёлсин, яримни сен е, яримни подшога едир. Мўжизани кейин кўрсан...

Мўйсифид ғойиб бўлди. Фазлиддин, илтиҳоларин Яратганга етибди, деб шукрона келтирди. Онаси кўрғани келганда мўйсифиднинг башоратини айтди.

— Ҳизр алайҳиссаломни кўрибсан, болам, — деди она. — Шунча йилдан кейин кўрагимда сут келармикан, ҳайронман.

— Олло боқарам, ана. Ёлғиз ўғлингизни ўртаға қўйиб, бир сўраб кўрингчи, зора шафқат қилса...

Мўжиза рўй берди. Қуриб қолган кўркака сут келди. Қулча ҳам ёлди. Уни қўйиға солиб, Фазлиддин қисматини кўтиб ўтирди.

Нихоят подшонинг ҳокми эълон қилинди: шаккок уста дорға ослидиган бўлди. Фазлиддин охириги ўтин-

қилибди.

— Мени аёло ҳазрат бирла юзмаюз қилинган. Унга айтар сўзим бор. Улимга маҳмуд этилган қимсаннинг ўтинчи вожиб. Фазлиддин тагин шох ҳузурида тикка бўлди.

— Эшитаман, қўлогим сенда, — деди подшо қовоқ уюб.

Фазлиддин кўнидан онаси ёлган қулчани чиқарди. Уни иккига бўлди.

— Давлатпаноҳ, мана шу нонни татиб кўрсинлар, сўнгра мен дор тагига кетавераман.

Шоҳнинг кўзларидан ўт қакнади.

— Узинг жаҳаннамга кетганинг етмагандай, мени ҳам оғимдан тортомқимсан, алах! Нонингга заҳар қўшилган бўлса-чи?

— Заҳар қўшилмаган, уни онам ёлган, ҳалол нон. Мана, аввал ўзим еб кўрсатайин.

Фазлиддин қулчани бурдалаб ея бошлади. Яримта нонни еб битирди, лекин унга зиён етмади.

— Тишланг, ҳазратим, — деди уста, — биздек маҳмуднинг сўнги илтимосини адо этиш сиз учун ҳам фарз, ҳам қарз.

Подшонинг илоҳи қолмади. У кўрка-писа қулчани тишлади. Аста кавашага киришди. Бир бурда ёғач, подшонинг қўлига юмшадди, сийнасида ловуллаб турган ғазаб ўти сўйиб, ўрнини муруват эгаллади. Подшонинг қўлидаги нонни егиси келар, ҳар лўлмадан кейин дили ёришиб, қўлиги шодлиққа тўлиб бораётгандек эди.

Нихоят, иккинчи мўжиза содир бўлди. Охири бурдани еб битирган, подшонинг жисми жонида Фазлиддинга нисбатан меҳр-шафқат уйғонди. У беҳитиёр тахтдан тушиб, Фазлиддиннинг олдиға келди. Уни қучқалаб, йиғлаб юборди:

— Уаҳжоним, мен гумроҳ акангин кечир. Ахир биз оғанимиз-ку, жоним! Шу пайтагча танайми сенга зулм қилиб келибман. Кечир... Подшо Фазлиддинни туғишган инисидек эъзозлаб, бир умр ёнида олиб қолди.

Она сўтиға қорилган қулча ноннинг қаромати ана шундай намоён бўлган экан.

ЎЗГА САЙЁРАЛАРДА НЕГА ҲАЁТ ЙЎҚ?

Бизга ҳали-ҳамон ўзга сайёраларда ҳаёт бор ёки йўқлиги маълум эмас. Бугунги кунда фазовий тажрибаларнинг барчаси айнан шуни аниқлашга қаратилган. Бироқ бизга равшанки, ҳаёт бўлиши учун маълум шартлар бажарилиши лозим. Аввало, мўътадил иқлим бўлмоғи керак. Зеро, ҳеч бир тирик жон жуда иссиқда ҳам, жуда совуқда ҳам яшай олмайди. Ундан кейинги ҳаётий зарурат бу сувдир. Ўсимликлар учун эса ёруғлик ва минерал озқалар керак бўлади. Хўш, бошқа сайёралар бундай шартларга жавоб берадилми? Бугун-

ги кунгача бошқа сайёралар ҳақида олинган маълумотлар ҳаёт борлигини инкор этмоқда. Мисол учун Венера олиб кўрайлик, у ерга энг яқин сайёра бўлиб, ҳатто улар орасидаги масофа солиштирилган, уларни эгизак сайёралар ҳам деб аташган. Бироқ унинг иклими ердан жуда катта фарқ қилади. Венеранинг атмосфераси углекислород газлари билан қопланган, босим ҳам жуда баланд. Иклими шу даражада иссиқки, Цельсий шкаласи бўйича +460 даражаи ташкил этади...

Нармон ТУРҒУНБОВЕВ.

СЕНГА ТАЛПИНДИМ, БАТАН...



Этти иқлим кезсам ҳам сенга талпиндим, Ватан,
Умрим бори ўқидим ҳаёт китобларини.
Аждодларни қадрлаш муносиб вориға тан,
Ёш авлод тинглар сергак давр хитобларини.

Рухият озигидир боғларинг сархуш иси,
Ўзбекистон деганда таралғай хуш ифори.
Дилға гурур бахш этгай юртимнинг хушлик ҳисси,
Сенга олам маҳлиё Шарқнинг сўлим диёри.

Ўзбекона хуш-одоб оламға ўрнак бўлар,
Қуёш янглиғ чароғон дилбандларинг орзуси.
Саховат, савоб, поклик — жонларға жондош хузуру,
Инсофу ҳалолликда тенг ҳаққим тарозуси.

Уласдан фахрлиб, шукрим айтдим юракдан,
Бахти бутун элмининг, зотан, ёрқин иқболи.
Истиқболнинг юқини елкалаган, эй Ватан,
Сен — зўр манзил кўзлаган катта қарвон тимсоли.

Пахтаг-ку, кўнглингдай оқ, қонларинг қайнар бўлоқ,
Бир-биридан шукхули сара олтининг бисёр.
Миллатим қадрияти бебаҳо бойлик бироқ,
Ўзлугиға бек бўлган бўлоқ ўзбек халқим бор.

Абдулғафӣ СУЛАЙМОН.

Қинғир иш — келтирар ташвиш

НАФС БАНДАЛАРИ

ВАЛЮТАФУРУШНИНГ МИСИ ЧИҚДИ

Валюта савдоси билан шуғулланиб, босар-тусарини билмай қолган Қавулжон Аҳмедов "қоса кунда эмас, кунда синиши"ни тасаввурига сиғдира олмас эди. Ноқонуний ишлари ортидан келаётган жараж-қараж пуллар унинг ақлини шошириб қўйган эди. "Давринг келди сур бегим", дерди у ҳар кунги фойдаға маҳлиё бўлиб. Ахир, Қавулжоннинг ҳозир ҳеч қандам кам жойи йўқ, бозори қаққон. Валютафурӯшнинг орасидан миллионларни ғамлаб, "айлантриятти".

Яқинда у катта миқдорда доллар сўраб келган

миқдорнинг тезроқ ҳолатини чиқаришга киришди.

— Гап йўқ, — деди у аёлға.

— Истаганингизча алмаштириб бераман. Пулингиз тайёр бўлса, бўлгани!

— Келишдики, — деди Ойдин Мирзааҳмедова.

Аммо бунинг имкони йўқ эди. Уларнинг дарвозадан чиқиши билан бошқарма миз ходимлари кўтиб олишди. Валютафурӯшнинг миси чикди. Ундан жами бўлиб, 29 минг 818 АҚШ доллари, 785 Россия рубли ва 2,3 миллион сўм миллий валютаси далилий ашди сифатида олинди. Эндиликда ҳуқуқбузарлар ўз қилмишлари учун қонун олдида жавоб беришмоқда.

нинг 1550 сўмдан пулланди, дегани.

— Яна келиб туриг, — деди хонадон соҳиби миқдорни кузатиб қолар экан.

— Гап йўқ, — деди Ойдин Мирзааҳмедова.

Аммо бунинг имкони йўқ эди. Уларнинг дарвозадан чиқиши билан бошқарма миз ходимлари кўтиб олишди. Валютафурӯшнинг миси чикди. Ундан жами бўлиб, 29 минг 818 АҚШ доллари, 785 Россия рубли ва 2,3 миллион сўм миллий валютаси далилий ашди сифатида олинди. Эндиликда ҳуқуқбузарлар ўз қилмишлари учун қонун олдида жавоб беришмоқда.

УЧ МИНГ ДОЛЛАРИК "ТАҚДИМНОМА"

Инсон нафсининг қулиға айландими, таом: одамийликни унутди. Енгил-елли пул топиб, кун кечириб пайда бўлади. Ҳатто бу йўлда мансаб ваколатини суниётмоқ қилишдан ҳам қайтмайди. Қилаётган қонқонуний иш бири кун бошига боло бўлишини ўйламайди.

Жиззах вилояти Чернобилчилар ассоциацияси раиси Раҳматилла Ортиқов ҳузурига ёрдам сўраб келган Владимир Карпенковнинг сўзларини тинглаб, ундан фойдаланиб қолмоқчи бўлди.

— Вилот "Автотехизмат" уюшмасидан навбатсиз "Нексия" автомашинаси сотиб олмакчиман, де, — деди у Чернобил ҳалокати иштирокчисига.

— Ҳа, — деди Владимир раиснинг кўзларига умидвор боқиб. — Бор-йўғи менга ассоциациямиз томонидан шундай ҳуқуқни берувчи тақдимнома ёзиб берсангиз бўлди.

— Бекорға мушук офтобға чиқмайди, — Раҳматилла Ортиқов ичидагини сиртига чиқарди. — Бундай машиналарнинг ҳозир бозори қаққон. Нарҳи ҳам баланд. Бундан хабаринг бўлса керак.

Владимир бош иргатди.

— Узим сизни рози қиламан, — деди у раиснинг қўлини хотиржам қилиб.

— Яхши, — Раҳматилла Ортиқовнинг чехраси ёришди. — "Кўк"идан урта олиб келасан.

"Чернобил"чининг тарвузи қўлтигидан тушди. Аммо буни раисга сездирмади.

— Сиз тайёрлаб беринг, — деди ўзини қўлга олиб. — Мен айтган хизматингизни қилай.

— Бу бошқа гап.

Улар эртаси кўни келишилган пайта яна учрашди. Тақдимномани берад экан, ассоциация раиси ҳам, Чернобил ҳалокати иштирокчиси ҳам иши битганидан, ўзи қуруқ қолмаганидан хурсанд бўлди. Аммо "бузқонинг юргани сомон-хонагача" эди. Уч минг долларлик тақдимнома Раҳматиллага қимматга тушди. У пора олган пайтида бошқарма ходимлари томонидан қўлга олинди.

Раҳматжон ЖУРАЕВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖДҚК
Департаментининг Жиззах вилояти
бошқармаси бошляги, ахлия масхалатчи,
Абдуҳаким МУРАТОВ,
бошқарма матбуот гуруҳи катта инспектори.

ҚИТЪАЛАР ҲАРАКАТЛАНАДИ



Қитъалар ҳамиша ҳаракатланади, дея биринчи бўлиб 1912 йилда немис олими Альфред Вегнер айтган эди. Унинг фикрича, ўсимликлар, ўрмонлардан ташкил топан қитъалар ернинг Шимолий ярим шар томон силжимоқда. Шунингдек, Африканинг ғарбий қисми ва Жанубий Американинг шарқий қисми ҳам бир-бирига яқинлашиб келмоқда. Бундай ҳулосалардан сўнг Вегнер шундай ҳулосага келди: қачонларидир қитъалар битта йирик қуруқликни ташкил қилган-у, кейинчалик бир неча қисмларга бўлиниб кетган. Бироқ қўнчилик геолог олимлар унинг бу фикрларига қўшилишмади. Чунки улар қитъаларнинг ҳаракатланишини тасаввур қила олишмасди. Бироқ Вегнернинг исботларига ҳам қарши чиқиб бўлмасди. Оқибатда улар шундай ҳулосага келишди, иқлимнинг иссиб кетаётганлиги ва ернинг силкинишлари натижасида қитъалар ҳаракатга келмоқда...

Бахтиёр ЕҒУБОВ.

ADOLAT
иЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СДП СИЁСИЙ КЕНГАШИ
www.adolat_gazeta.uz

Бош муҳаррир
Худойёр МАМАТОВ
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан
0018 рақами билан рўйхатта олинган
Телефонлар: қабулхона — 236-53-14; 233-40-86 (факс); котибият — 233-41-89; «Партия ҳаёти ва сиёсат» бўлими — 236-55-64
Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳрир хайъати
Диплом ТОШМУҲАМЕДОВА
Исмоил САИФНАЗАРОВ,
Алишер МЎМИНОВ,
Жуманиёз АЛИБЕКОВ,
Жовдатов ИНОГОМОВ,
Зухра БОТИРОВА,
Иқбол МИРЗО,
Муҳаммад АЛИ,
Мамазоир ХЎЖАМБЕРДИЕВ,
Мукаррамхон АЗИМОВА,
Равшан ХАЙДАРОВ,
Рустам АҲМАДАЛИЕВ
(бош муҳаррир ўринбосари),
Собир ТУРСУНОВ,
Светлана ОРТИҚОВА,
Талбат МУРОДОВ.

Нашр учун масъул
Холтура ШАҒОАТОВ
(Бош муҳаррир биринчи ўринбосари)
• «Адолат»дн кўчириб босиб фақат таҳририят рухсати билан амалла ошпирилади.
t — Тижорат мақодалар белгиси.
Нашр индекси — 100
Набатчи муҳаррир — Музаффар АБДУШУКУРОВ
Набатчи — Бахтиёр ЕҒУБОВ